

ИҚТИСОДИЙ – ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ ИЛМИЙ МАКТАБЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Чариев Абдукаюм Кадилович — Термез Давлат Университетининг
География кафедраси ўқитувчиси, Термиз, Ўзбекистон.

Аннотация: Мазкур мақолада Баранский-Колосовский илмий мактабининг собиқ Совет Иттифоқи иқтисодий географиясидаги ўрни ва унинг илмий-назарий ютуқлари ёритилган. Асосий эътибор ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий районлаштириш, ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг шаклланишига қаратилган. Ушбу мактаб нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам иқтисодий географияни ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшган.

Калит сўзлар: иқтисодий география, Баранский, Колосовский, ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий районлаштириш, ишлаб чиқариш мажмуалари, энергия ишлаб чиқариш цикллари.

FORMATION OF SCIENTIFIC SCHOOLS IN ECONOMIC AND SOCIAL GEOGRAPHY

Chariyev Abdukayum Kadirovich
teacher, Department of Geography,

Termez State University, Uzbekistan, Termez.

ABSTRACT: This article highlights the role and achievements of the Baranskiy-Kolosovskiy scientific school in the economic geography of the former Soviet Union. The focus is on the development of regional labor division, economic zoning, and territorial production complexes. This school significantly contributed to the theoretical and practical advancement of economic geography.

KEY WORDS: economic geography, Baranskiy, Kolosovskiy, regional labor division, economic zoning, production complexes, energy production cycles.

АННОТАЦИЯ: В статье освещается роль и достижения научной школы Баранского-Колосовского в экономической географии бывшего

Советского Союза. Основное внимание уделяется развитию территориального разделения труда, экономического районирования и территориальных производственных комплексов. Эта школа внесла значительный вклад как в теоретическое, так и в практическое развитие экономической географии.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: экономическая география, Баранский, Колосовский, территориальное разделение труда, экономическое районирование, производственные комплексы, циклы производства энергии.

Ўтган асрнинг 1920-йилларининг бошларида иқтисодий географиянинг янги минтақавий йўналишлари таниқли собиқ иттифоқ географлари, 20-аср рус илмий географик мактабининг асосчиси Николай Николаевич Баранский (1881–1963) томонидан ишлаб чиқилди. 1926 йилда у инқилобдан кейинги биринчи иқтисодий география дарслигини тайёрлади (СССР иқтисодий географияси). Иқтисодиёт ва география фанлари масалаларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш соҳасидаги ажойиб хизматлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган биринчи олим-географлардан бири эди. 1929 йилда унинг ташаббуси билан иқтисодий географларнинг биринчи Бутуниттифоқ конференцияси бўлиб ўтди.

Н.Н.Баранскийнинг асарлари иқтисодий география назарияси ва амалиёти, вилоятлар ва шаҳарлар ҳақидаги таълимот, иқтисодий-географик жойлашув ва ҳудудий меҳнат тақсимооти ҳамда минтақашунослик ва хўжалик картографиясининг шаклланишида асос бўлди. Олим олий ўқув юртларида география ўқитишнинг конструктив методикасини ҳам ишлаб чиқди.

Н.Н.Баранский мамлакатда иқтисодий география фанининг энг йирик ташкилотчиси сифатида тан олинган. Унинг ташаббуси билан Коммунистик университетда иқтисодий география кафедралари ташкил этилди. Унинг фаол иштирокида “География саволлари”, “География ва иқтисод” туркум тўпламлари, “География мактабда” журнали нашр этилиши ташкил этилди.

Николай Николаевич Баранский ҳақли равишда собиқ иттифоқ ижтимоий-иқтисодий географиясининг асосчиси ҳисобланади, Унинг хизматлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаннинг предметини - иқтисодий районни маълум табиий ва меҳнат ресурсларига эга бўлган ҳудуд, мураккаб, тарихан шаклланган иқтисодиёт мажмуаси ва мамлакат тизимининг бўғинини ташкил этувчи хилма-хил ички ва ташқи алоқалар сифатида белгилаб берди;

2. "Географиклаштирилган" иқтисодий география, яъни уни география фанлари тизимига киритди, бошқа фанлар билан алоқаларни ўрнатди;

3. Географиянинг фан сифатида бирлигини ҳимоя қилди, яъни иқтисодий ва табиий география ўртасидаги боғлиқликни кўрсатди;

4. "Антропогеография" ва "Географик детерминизм"нинг бир-бирига мос келмаслигини қайд этиб, одамларнинг хўжалик фаолиятида табиий муҳитнинг ўрни тўғрисидаги масалани ишлаб чиқди;

5. Ҳудудий меҳнат тақсимоли назариясини яратди, унинг асосий ҳаракатлантирувчи жиҳати уни амалга оширишдан олинандиган иқтисодий фойдани исботлади;

6. Иқтисодий-географик жойлашувнинг асосли назариясини, яъни фазовий алоқалар ва муносабатлар назариясини ҳамда уларнинг географик меҳнат тақсимоли жарайонида тарихий ўзгаришларини аниқлади;

7. Г.М.Киржижановский, И.Г.Александров ва бошқалар раҳбарлигида ишлаб чиқилган иқтисодий районлаштириш назариясини такомиллаштирди;

8. Иқтисодий-географик картографияга асос солди ва хаританинг фандаги ўрнини белгиловчи 6 та қоидани шакллантирди.

Собиқ иттифоқ даври иқтисодий географиясининг яна бир асосчиси Госплан Районларини ишлаб чиқувчилардан бири **Николай Николаевич Колосовский (1891-1954)** эди. Унинг илмий ютуқлари:

1. Урал-Кузнецк комбинатини (УКК) яратишда қатнашган;

2. Прибайкал мажмуаси ва Ангарск энергетика тизимининг яратувчиларидан бири эди;

3. Уруш йилларида мамлакатнинг шарқий районларидан эвакуация қилинган корхоналарни жойлаштиришда қатнашган;

4. Худудий-ишлаб чиқариш мажмуалари (ХИЧМ) назариясини ишлаб чиқди, унинг моҳияти географик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда, табиий ресурслар ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланган ҳолда иқтисодиётни оқилона худудий ташкил этишдан иборат экнлигини исботлади;

5. Энергия ишлаб чиқариш цикллари (ЭИЧЦ) ғоясини одатий, бир қатор минтақаларда такрорланадиган энергия ишлаб чиқариш жарайонлари ва улар атрофида гуруҳланган саноат сифатида киритди.

Собиқ иттифоқ иқтисодий географиясининг муҳим асоси Баранский - Колосовский район илмий мактаби, жумладан иқтисодий ва географик жойлашув, иқтисодий районлаштириш ва худудий ишлаб чиқариш комплекслари назарияси эди. Николай Николаевич Колосовский иқтисодий-географик жойлашув назариясини ва собиқ иттифоқ иқтисодий географияси илмий мактабининг асосларини ишлаб чиқди. Николай Николаевич Колосовский яратган ХИЧМлар умумий инфратузилмада шаклланган тармоқларнинг ўзаро боғлиқ бирикмаси сифатида қаралди. ХИЧМни шакллантириш учун энергия ишлаб чиқариш цикллари (ЭПС) усулини таклиф қилди. Энергия ишлаб чиқариш цикллари – бу, маълум турдаги хом ашё ва энергия учун технологик ишлаб чиқариш циклларининг ўзаро уйғунлигидир.

Хулоса. Мақолада собиқ Совет Иттифоқи иқтисодий географиясининг машҳур Барановский-Колосовский илмий мактаби ва унинг аҳамияти батафсил ёритилган. Ушбу мактаб иқтисодий районлаштириш, худудий меҳнат тақсимооти, ва худудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг илмий-назарий асосларини яратган ҳолда халқаро миқёсда эътироф этилган.

Баранский-Колосовский илмий мактаби иқтисодий географиянинг асосий назарияларини ишлаб чиқиб, илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамият касб этган. У ҳудудий тизимларни ўрганишда, уларнинг истиқболлари ва самарали ташкил этилишида муҳим рол ўйнаган. Мазкур мактаб нафақат собиқ Иттифоқ иқтисодий географиясининг балки бутун жаҳон илм-фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган.

АДАБИЁТЛАР

1. Allanov Q.A., Mustayev Q.R. O'рта Osiyo tog' muzliklari va uni o'rganishning amaliy ahamiyati//O'zbekistonda geografiya fanining dolzarb masalalari. Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Termiz, 2020. – 36-39 b.
2. Maxmatraimov Ch.E., Allanov Q.A., Choriyev A.Q. Surxondaryo viloyati iqtisodiy taraqqiyotiga ta'sir etuvchi ta'sir etuvchi ayrim muammolar va uni bartaraf etish masalalari//Yangilanayotgan O'zbekistonda geografiya: fan, ta'lim va innovatsiya. Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Toshkent, 2021. – 137-139 b.
3. Alibekov L.A “O'рта Osiyo tabiiy geografiyasi” Samarqand 2006
4. Alibekov L.A “Эколого-географические проблем Централний Азии” Samarqand, 2010.
5. Hasanov I.A, G'ulomov P.N “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” Toshkent , 2003.
- Hasanov I.A , G'ulomov P.N “O'рта Osiyo tabiiy geografiyasi” Toshkent, 2002
6. Hikmatov F.X, Aytboyev D.P “Gidrologiya asoslari” Toshkent,2003
7. Chub B.E “Iqlim o'zgarishi va uning O'zbekiston Respublikasi tabiiy-resurs potensialiga ta'siri” Toshkent, 2000
- 8.Rafiqov A “Geoekologik muammolar ” Toshkent, “O'qituvchi”, 1997

9. Allanov Q.A, Abdimo'minov B.O "Global iqlim o'zgarishi, uning oqibatlari va unga moslashish" Termiz, 2018

10. Nizomov A, Nugmanova A, Matnazarov A "O'zbekiston tog' muzliklari" Toshkent, 2016.